



Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаёти- миздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқи- мизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағ- рикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуглаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Респу- бликаси Президентининг “Диний байрам – Қур- бон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида”ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 24 сентябрь пайшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2015 йил 24 сентябрь мамлакатимизда дам олиш куни деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика “Нуроний”, “Маҳалла” жамғар- малари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жой- ларда тартибли ва юқори даражада, халқимиз- нинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания- си, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар- ни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 сентябрь

Хушxabар

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ – ЯНГИ БИНОДА

Ходимларга қулай шароитлар яратиб бериш хизмат самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада жойларда эътирофга лойиқ ишлар қилинмоқда. Яқинда Наманган вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони жамоаси ҳам ҳар томонлама талабга жавоб берадиган замонавий бинога эга бўлишди.



Мазкур иншоот қисқа муддатларда қуриб битказилганлиги, маърифат ва сиёсий ўқиш, мажлислар зали, ўқув синф хоналари, дам олиш, хизмат ҳамда психология хонаси кабилардан иборат 36 та хонани ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир. Булардан ташқари, ходимларнинг спорт билан шуғулланиши, ювенил-кийинишлари учун ҳам барча шароитлар мавжуд.

Замонавий бинонинг тантанали очилиши маросимида рес-

публика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев иштирок этиб, замон талаблари асосида қурилган мазкур иншоот ҳар жиҳатдан ихтисослашгани ва бу ходимларнинг жиноятларга қарши курашиши, ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида барҳам беришида муҳим ўрин тутишини қайд қилиб, осойишталик посбонларининг хизмат фаолиятларига муваффақият тилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар идоралари ходим-

ларига мана шундай қулайликларни яратиб бераётган ҳукуматимиз ҳамда республика ИИБ раҳбариятига миннатдорлик билдиришиб, юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш ва жиноятларга қарши курашишда юқори натижаларга эришишларини таъкидлашди.

Дилмуроджон ХЎЖАҚУЛОВ,
подполковник,
Наманган вилояти.

Сардорбек БОЛТАБОЕВ
олган сурат.

БЕМИННАТ КЎМАКЧИЛАР

хизмат самарадорлигини оширишда қўл келмоқда



Тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятларни фош этишда хизмат итлари ички ишлар идоралари ходимларининг яқин кўмакчилари ҳисобланади.

Бугунги кунда хизмат итларидан самарали фойдаланиш борасида Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти. Ходимлар малакасини ошириш, касбий кўникмасини шакллантириш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 17 нафар кичик инспектор-кинолог қайта тайёргарликдан ўтказилди.

— Ёш ходимларнинг касбий малака ва кўникмасини ошириш, уларга соҳа сирларини пухта ўргатишда тажрибали ходимларнинг ҳиссаси катта, – дейди пойтахт ИИББ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлигининг ўринбосари, капитан Холмурод Холиқулов. – Хизмат итларини тайёрлаш, улардан самарали фойдаланиш борасида юқори малакага эга бўлган бўлим бошлиғи, сержант Дилшод Асқаров, инструктор-кинолог, кичик сержант Миржуръат Мирусмонов, кичик инспектор-кинолог, катта сержант Шухрат Эшмирзаев каби ходимларимиз ёшларга устозлик қилиб, ўз тажрибаларини ўргатиб келишляпти.

(Давоми 3-бетда).

Китоб фестивали



БАРЧАСИ БОЛАЛАРНИНГ ЁРУҒ КЕЛАЖАГИ УЧУН

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Болалар китоби» II республика фестивали бўлиб ўтмоқда

Тантанали тадбирнинг 17 сентябрь кuni бўлиб ўтган очилиш маросимида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О. Юнусов, Ўзбекистон халқ шоирлари С. Саййид ва А. Обиджон, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахмонова, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири А. Аҳмедов ва бошқалар сўзга чиқиб, китобнинг инсон ҳаётидаги беқиёс ўрни, Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли, етук инсон бўлиб камол топиши учун яратилаётган шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар, мазкур байрамнинг мамлакатимиз пойтахтидан то олис туманларигача қулоқ ёяётганини фахр билан эътироф этишди.

Уч кун давом этган китоб байрами Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, республика Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ташкил этилди. Фестивалдан кўзланган асосий мақсад, истиқлол йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқларнинг маъно-моҳиятини, фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтиришга, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга ундаш, ҳукуматимиз томонидан бу борада кўрсатилаётган эътибор ҳамда ғамхўрликни кенг жамоатчиликка етказишдан иборатдир. Бундан ташқари, ёш авлоднинг миллий истиқлол ғояларига садоқатли, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳияти юқори ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, уларнинг миллий адабиётга бўлган қизиқишини ошириш ҳамда китобхонлик, мутолаа маданиятини шакллантириш, болаларга мўлжалланган ижтимоий-бадий жиҳатдан етук адабиётлар салмоғини кўпайтириш ва бунга ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлашдир.



Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда юртимизда юздан зиёд нашриёт, 1650 га яқин матбаа корхонаси фаолият юритмоқда. Мамлакатимиздаги 50 дан ортиқ нашриётларда болалар адабиёти чоп этиляпти. Нашр этилаётган ноширлик маҳсулотларининг ҳар учтадан биттаси бевосита болаларга бағишланган. Ўтган йилларда ўзбек ва жаҳон адабиёти, мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти, аждодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликларига бағишланган китоблар, плакатлар, энциклопедик адабиётлар йўналишларида сара китоблар нашр этилиб, ўқувчиларга тақдим этилди.

Бундан ташқари, китобсеварлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази томонидан сўнгги икки йилда «Камолот кутубхонаси» рукнида нашр этилган 70 га яқин ўзбек ва жаҳон классик адабиётлари вакиллари асарларидан баҳраманд бўлишди. Фафур Фулом номидаги

нашриёт-матбаа ижодий уйи «Ўзбек адабиёти хрестоматияси» рукнида мактаб дарсликларига киритилган 44 номдаги асарларни нашр этишни бошлади.

«Болалар китоби» II республика фестивалида юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар. Унда сўнгги йилларда чоп этилган 200 дан зиёд номдаги янги китоблар тақдимотлари, Ўзбекистон халқ шоирлари ва ёзувчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, кўплаб таниқли ёш ижодкорлар билан ижодий учрашувлар, мушоиралар ҳамда ношир, матбаачилар иштирокида мулоқотлар ҳам бўлиб ўтди.

Сайл тарзида ташкил этилган фестиваль доирасида Маданият ва истироҳат боғи худудларидаги махсус майдончаларда иштирокчи нашриётлар томонидан Юртбошимизнинг сўнгги йилларда нашр этилган асарлари кўргазмаси, нуфузли халқаро

китоб кўргазмаларида совринли ўрин эгаллаган китоблар тақдими ҳам ташкил этилди.

Боланинг билимли ва ўқимишли бўлиб вояга етишида оилада олинган таълим-тарбия муҳим ўрин тутди. Тадбирларда «Энг яхши ёш китобхон», «Китобхон оила», «Менинг биринчи китобим», «Атроф олам муҳофазаси — саломатлик гарови», «Мўъжиза эмасдир фалақда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб», «Китоб — энг яхши совға» мавзуларида интеллектуал ўйин ва викториналар, «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзусида ижтимоий сўровномалар ўтказилгани ёшларнинг, аynиқса, болаларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нашриётлар томонидан «Болаларга китоб ўқишга меҳр уйғотишда оналарга маслаҳатлар» номли флайерлар тарқатилди. Ихтисослашган нашриётлар томонидан сўнгги йилларда нашр этилган болалар адабиётлари, жумладан, мумтоз ва энг сара, айниқса, ўқув-маърифий китоблар, энциклопедик луғат ҳамда маълумотномалар намойиши, шунингдек эркин савдоси уюштирилди.

— Биз фестивалда мактаб дарсликларига киритилган болалар адабиёти ва бадий адабиётлар билан қатнашяпмиз, — дейди «Шарқ» НМАК маркетинг бўлими мутахассиси А. Абдурахмонов. — Бундай тадбирлар кейинги фаолиятимизни янада такомиллаштириб, нималарга кўпроқ аҳамият қаратишимиз зарурлигида муҳим ўрин тутди. Шу боис ўқувчиларнинг қизиқишларига алоҳида эътибор бераёلمиз.

Болаларга хурсандчилик улашиш, уларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан жалб этилган Ёш томошабинлар ва Давлат кўғирчоқ театрларининг эртақ, спектакллардан сахна кўринишлари, куй-кўшиқлардан иборат концерт дастурлари намойиш этилди. Китоб байрамида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлар етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўргазма стендларни томоша қилишди. Шу билан бирга, боғда ўрнатилган телемониторлар орқали нашриётлар фаолиятини акс эттирувчи ҳамда китобхонлик маданияти тарғиботи бағишланган видеолавҳалардан баҳраманд бўлишди.

Бир олам таассуротлар билан китоб байрамидан қайтар эканмиз, боғдаги бир плакатдаги ёзув эътиборимизни тортди ва бунга сизга ҳам илиндик: «Боланинг бир қўлига нон, бир қўлига китоб беринг!»

Шерзод АБДУСАМАДОВ.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI
IIV BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MUASSIS:
ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari —
Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib v.b. —
Zokir BOLTAYEV

Navbatchi —
Inomjon RAHIMXO'JAYEV
Sahifalovchi —
Rustam ISOQULOV
Matn ko'chiruvchi —
Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-33-88;
Faks: 254-18-79.



Tahririyat
hisob raqami
2021000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosil-
ganda «Postda»dan olinganligi
ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa
ijodiy uyi bosmaxonasida chop
etiladi. Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Buyurtma №S-3950. Bosilish — ofset usulida.
Hajmi — 4 bosma taboq. 69596 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar
uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 22.00.
Bosishga topshirildi — 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.